Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
26 февраль
ШАНБА
№ 25 (4621)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛМОҚДА

Фото: president.uz

Кун нафаси

25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин** билан телефон орқали **мулоқоти бўлиб ўтди.**

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

* * *



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** ва Исроил ташқи ишлар вазири **Яир Лапид** ўртасида телефон орқали **мулоқот бўлиб ўтди.**

* * *

26-27 февраль кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида **Парламентлараро Иттифоқ Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.** Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори **Акмал Саидов иштирок этади.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили **Исматулла Иргашев** Европа парламентининг Афғонистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси **Петрас Аустревичюс билан учрашди.**

* * *

«Uzbekistan Airways» **Ростов ва Краснодарга парвозлар бекор қилинганини** маълум қилди.

* * *

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриши оқибатини юмшатиш борасидаги саъй-ҳаракатларни халқаро даражада қўллаб-қувватлаш масаласи **муҳокама қилинди.**

Андижон вилояти

Кўмак

Кимё ўқитувчиси касб касаллигига чалинди...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашига шаҳрихонлик А.Ғофуровадан мурожаат келиб тушди.

Унда муаллиф тумандаги 10-мактабда 1971 йилдан буён кимё-биология фанидан дарс бериб келгани, 1997 йилда нафақага чиққани, аммо шунга қарамай, бугунга қадар мазкур фанлар бўйича ўқитувчилик қилиб келаётгани, фаолияти давомида зарарли омиллар таъсирида соғлиғини йўқотганини маълум қилиб, бу борада қандай имтиёзлар берилиши хусусида тушунтириш сўраган.

Бундай вазиятда қандай йўл тутиш лозим?

Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра, тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида ходимда касб касаллиги билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган ҳолларда ушбу ходим тиббий комиссия томонидан касалликнинг касб билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларига юборилиши лозим.

Юқорида номи тилга олинган институтдан хулоса берилган тақдирда, ходим тегишли тартибда бир йиллик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган товон ва касбий меҳнат қобилияти маълум даражада йўқотилгани учун зарар тўловлари олиш ҳуқуқига эга.

Кўриклар натижасида маълум бўлдики, А.Ғофурова ҳақиқатдан ҳам касб касаллигига чалинган. Бу ҳақда Санитария-гигиена ва касб касалликлари институти касб касалликлари клиникаси мутахассислари томонидан хулоса берилди. Мурожаат муаллифи айни пайтда тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан текширувдан ўтмоқда. Ҳадемай якуний натижа маълум бўлади.

Кун тартибига қўйилган ҳар қандай муаммонинг тезкор ва қонуний ечими, энг аввало, йўналишни тўғри олиш билан боғлиқ. Чунки айрим ҳолларда муаммо юзасидан масалага дахлдор бўлмаган идораларга эшик қоқиб бориш ортидан фуқаро ортиқча вақт йўқотиши, қолаверса, шашти сусайиб қўл силтаб кетиши ҳам мумкин. Шу маънода кимё ўқитувчисининг касаба уюшмаларига мурожаат қилгани масаланинг ечими сари биринчи қадам бўлди, дейиш мумкин. Зеро, унга тўғри йўл-йўриқ ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билангина кифояланмай, мурожаат касаба уюшмалари назоратида турибди.

Дилшодбек ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассиси

Тошкент шаҳри

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши тиббиёт муассасаларидаги иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларига бағишлаб ўқув-семинари ташкил этди.

Тадбир

Барчаси иш берувчи масъулиятига боғлиқ

Анжуманда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар бошқармаси тизимидаги барча туман бўлимлари кадрлар билан ишлаш мутахассислари, меҳнат муҳофазаси ходимлари ва қўмита раислари қатнашди.

Тадбирда иштирокчиларга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси иш берувчиси Б.Қудратхўжаев, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳри бўйича инспекторлари Н.Маннонов ҳамда М.Содиқовлар меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, меҳнат таътиллари ва меҳнат муносабатлари, иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича буйруқларни қонуний расмийлаштириш борасида тушунчалар беришди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Ўрганиш

Амалий ёрдам гуруҳи Наманганда

Жойлардаги бошланғич ташкилотларга эътиборни кучайтириш, айниқса, 2020 йилда тизимда бўлиб ўтган ҳисобот-сайловлар жараёнида бошланғич ташкилотлар раислигига биринчи бор сайланган қарийб олти минг нафар фаолларга амалий ва услубий ёрдам кўламини ошириш, ходимларга меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бир гуруҳ вакиллари Наманган вилоятида бўлишди.

Вакиллар бошланғич ташкилот раислари салоҳиятини ўрганиш ва Устав талабларига биноан йиғилиш ва мажлисларни ўз муддатида ўтказиш, аъзолар ҳисобини юритиш ишларини тўғри ташкил этиш ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун бўйича аниқ тавсиялар беришди.

Мутахассислар амалий ёрдам кўрсатиш давомида Наманганда ўндан зиёд корхона ва ташкилотда бўлиб, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган иш ўринлари яратилиши, касаба уюшмасига аъзолик бадалларининг тўлиқ туширилиши сингари йўналишларда муаммоси бор ташкилотларга йўл-йўриқлар кўрсатишди.

– Касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланганимга ҳали кўп вақт бўлмагани учун мутахассислар берган тавсиялар, кўрсатма, йўл-йўриқлар айни муддао бўлди, – дейди «Ideal tekstil-orzu» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Орзухон Нодирова. – Ҳозирда корхонамизда 300 нафардан зиёд ишчи-ходим фаолият юритаётган бўлса, уларнинг ҳар бири яхши шароитда, аъло кайфиятда ишлашида касаба уюшма етакчисининг ҳиссаси катта.

Шунингдек, амалий ёрдам кўрсатилаётган бошланғич ташкилотларга иш жараёнида фойдаланиш учун ахборот ташувчи қурилма, услубий қўлланмалар, касаба уюшмасига тааллуқли норматив ҳужжатларнинг электрон нусхалари ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга шарҳлар китоби тарқатилди.

Орзугул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...

«Обод»даги оқ ва қора ранглар



Жавобини кутаётган саволлар



Баҳор келди, сени сўроқлаб...

Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ,
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Сарҳисоб

УЛУҒ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ахборот соҳасидаги меҳнат муносабатларига оид ишлар таҳлили янги таклифлар учун асос бўлмоқда

Пандемия ва глобал инқироз шароитига қарамай, юртимизда юқори иқтисодий ўсиш таъминланган, қатор ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилган, шаҳару қишлоқларимиз янада чирой очган «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»дан ҳар қанча рози бўлсак, шукроналар айтсак, арзийди. Эндиликда асосий эътибор «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб номланган 2022 йил учун белгилаб олинган устувор мақсад ҳамда вазифалар ижросига қаратилган.

Хўш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида ижтимоий меҳнат муносабатларига оид таҳлиллар қандай хулосалар чиқаришга ундайди? Қуйида ана шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга олиш ва тенг ижтимоий шериклик механизмини янада ривожлантириш, ходимлар манфаати ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида вазирлик ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича ҳар йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар режасини қабул қилган бўлиб, белгиланган барча тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Шу боис ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникасига риоя этиш ҳолати, меҳнат ва бандликка оид муносабатларнинг қонунчиликда назарда тутилган кафолатлари жамоа келишувлари ҳамда шартномаларида қай даражада акс эттирилганини таҳлил қилиш, қолаверса, янги ташаббусларни илгари суриш мақсадида тизимдаги корхона ва ташкилотлар фаолиятини ўрганиш орқали 2022 йилда амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб олиш юзасидан қўшма қарор имзоланди.

Бу қарор асосида вазирликнинг ҳудудий бошқармаси, Республика кенгаши масъул ходимлари томонидан январь-февраль ойларида Тошкент, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Навоий вилоятларида тизим тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда 2021 йилда бажарилган ишлар ўрганилди. Биринчи галда раҳбарлар ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қўмита раислари билан очиқ мулоқот ўтказилди. Унда мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилиниб, бартараф этиш ва келгусида ходимлар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилаётган ижобий ишлар тўғрисида ахборот берилди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

2020 йилда юзага келган коронавирус пандемияси аксарият ташкилот-корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Шундай мураккаб ва синовли шароитда ахборот технологиялари соҳасининг нафақат узлуксиз ишлашини таъминлаш, балки меҳнаткашлар масъулиятини ошириш, тизим тасарруфидаги корхоналарда фаолият юритаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини фаол қўллаб-қувватлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларини татбиқ этган ҳолда, 2020-2022 йилларга мўлжаллаб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Тармоқ, «Ўзбекистон почтаси» АЖ билан Тариф келишуви ҳамда «Ўзбектелеком» АК билан Ягона жамоа шартномаси имзоланди.

Ўтган йили «Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» АЖ ҳамда «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонаси ҳудудий филиаллари директорлари учун ўқув-семинари ташкил этилди. Бундан ташқари, вазирлик, акциядорлик компанияси, жамият, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Республика кенгаши масъул ходимлари иштирокида муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг чекка туманларидаги телекоммуникация боғламалари меҳнат жамоаларида «Очиқ мулоқот» ўтказилиб, ходимларнинг меҳнат шароитлари ҳамда ижтимоий ҳимояси борасида олиб борилаётган ишларда аниқланган камчиликлар юзасидан бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари раисларига, филиаллар масъул ходимларига амалий ёрдам кўрсатилди. Шу даврда тизим тасарруфидаги 32 та корхонанинг янги муддатга мўлжалланган жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилди ҳамда 7 та соҳа йўналишида фаолият бошлаган корхонада жамоа-шартномавий муносабатлар тартибга солинди.

«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш доирасида жамоа шартномалари орқали 616 нафар пенсия ёшидаги шахсга жами 972,5 млн. сўм моддий ёрдам, 803 нафар ходимнинг юбилей саналарида 1702 млн. сўмлик қимматбаҳо совғалар, 2812 нафар ишламайдиган пенсионерга 702,9 млн. сўм, 511 нафар ногиронлиги бўлган ходимга байрам арафасида 306,8 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам пуллари ажратилди. Ўз навбатида, бола парвариши билан машғул 312 нафар онага, 1531 та кам таъминланган оилага моддий кўмак кўрсатилди, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 2111 нафар ходимнинг фарзандлари ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминланди.

2021 йилда ёш оила тоифасига кирувчи 152 нафар ходимга уй-жой қуриш ҳамда истеъмол товарлари сотиб олишга 536,4 млн. сўмлик ссуда, 46 нафар ёш ходимнинг сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат учун тўловини қоплашга иш берувчи томонидан фоизсиз ссуда ажратилди.

Соҳада фаолият юритаётган ходимларни доимий рағбатлантириш ва уларни зарур шароитларга эга тураржойлар билан таъминлаш ишлари ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, Яккасарой ва Шайхонтоҳур туманларида 4 та тўққиз қаватли 210 хонадонли тураржой қурилиб фойдаланишга топширилиб, ходимларга уй-жойларни ҳарид қилиш учун 60 млрд. сўм ссуда берилди.

Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан касаба уюшмаларидаги кўп йиллик хизматлари учун 10 нафар вафот этган касаба уюшмаси раисларининг оилаларига 20 млн. сўмлик моддий ёрдам, 33 нафар собиқ ва ҳозирги кунда сидқидилдан хизмат қилаётган 24 нафар касаба уюшмаси раисларига ташаккурнома ҳамда жами 60 млн. сўм миқдоридаги пул мукофотлари топширилди.

Тармоқ, Тариф келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши ва аниқланган муаммолар ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда ўз вақтида бартараф этиб борилиши натижасида вазирлик бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг 1,3 баробарга ўсишига эришилди.

Ўрганиш асноси ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида қатор ижобий натижалар қайд этилди. Масалан, биргина «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиалида 2021 йил якунига кўра, жамоа шартномалари орқали 2862 нафар ходимга ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун жами 95,8 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилган. Ҳар бир ходимга ҳар ойда қўшимча равишда 2,7 млн. сўм ҳақ тўланиб, ўртача ойлик иш ҳақи 4,9 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида ҳам ижобий фикрлар билдириш мумкин.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 25 февралдаги 2-27 «с»-сонли қарори асосида «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг ўнта филиалида – Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 56 та янги иш ўрни ташкил этилди. Эътиборлиси, ишга қабул қилинган ходимларнинг аксарияти хотин-қизлар ва 30 ёшгача бўлганлардир.

Ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам диққатга сазовор. Хусусан, мурожаатлар билан ишлаш жараёнига янги механизмнинг татбиқ этилиши очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, юзага келаётган муаммоларни қонуний ҳал қилишда яхши натижалар бераётир. 2021 йилда Республика кенгашига тушган мурожаатларнинг 90 фоизидан кўпроғи ижобий ҳал қилингани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, барча ўрганилган корхоналарда ходимларни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишда қонунчилик талабларига амал қилинаётгани, ҳуқуқий тусдаги тарғиботлар, давра суҳбатлари ва семинарлар тизимли ўтказилиши йўлга қўйилган.

ЁШЛАР – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда соҳа тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимларнинг 36067 нафарини ёшлар ташкил этади. Шунингдек, мазкур йўналишдаги 9 та олий таълим муассасасида 24120 нафар талаба, 17 та ўрта таълим муассасасида 4536 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Бундан бир неча йил аввал тизимда технопарклар яратилиши ҳақида тасаввур ҳам қилмаган эдик. Ҳозир таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган, ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар синфини яратиб берувчи IT-парклар юртимизнинг барча ҳудудида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Рақамли технологиялар» ўқув марказлари ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирида йилига 500 нафардан зиёд тингловчилар билимларини мустаҳкамлаяпти.

Рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланган ишларни жадал давом эттириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари, республикамизнинг ҳар бир туманида ахборот-кутубхона марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида дастурий инжиниринг, компьютер инжиниринги, телекоммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги, почта алоқа технологияси йўналишида малакали мутахассислар тайёрловчи ахборот технологиялари техникумлари ташкил этилди.

Ҳозир Тошкент шаҳридаги АМИТИ университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нурафшон филиали, Урганч филиали, академик лицей ҳамда вилоятлар ахборот технологиялари техникумларида 4422 нафардан зиёд ёшлар таҳсил олмоқда, уларга 700 га яқин малакали ўқитувчи-мураббийлар таълим бераяпти.

Ёшларга қулай маиший шароит яратиш, муассасаларни китоблар билан таъминлаш, маҳорат дарслари ташкил этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, ўрганиш жараёнида жамоа шартномалари орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўзда тутилган бандлар ижроси ҳам таъминлаб борилаётгани маълум бўлди. Жумладан, «Ўзбектелеком» АК Андижон филиали томонидан 2021 йилда ягона жамоа шартномасининг 14-банди асосида биринчи бор никоҳдан ўтган 28 нафар ёш мутахассисга 38 млн. 811 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган, олий ўқув юртида таҳсил олаётган 4 нафар ёш мутахассиснинг шартнома пуллари қоплаб берилган, 48 та ёш оилага «Алоқа банк»нинг истеъмол кредитларини олишда кўмак кўрсатилган.

Эътиборлиси, ҳозир филиалда 12 нафар ёш ходим бошлиқ ва раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмокда. 2021 йилда филиал ва унинг қуйи боғламаларига ишга қабул қилинган ёшлар сони 28 нафар бўлиб, уларга дастлабки синов муддатлари белгиланмаган.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Тизим тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда 2021 йилда ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Ўрганилган ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассиси лавозимлари жорий этилган бўлиб, алоҳида хона ажратилган. Бу мутахассис-ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларига риоя этилиши устидан назорат олиб бормоқдалар.

Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағлар қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек, жамоа келишувларида ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда ажратилиб, режалаштирилган тадбирлар ижроси учун мақсадли сарфланган. Иш берувчилар томонидан корхоналарда мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида хомашё ва материалларни қўллаш ишларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш пайтида ходимлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилган.

2021 йил давомида 271 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисининг малакаси оширилган. Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб онлайн семинар ўтказилган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид 20 дан ортиқ йўриқнома қайта ишлаб чиқилган. Ходимларни тармоқ меъёрларига мувофиқ махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлаш ва улар томонидан тўғри фойдаланилиши касаба уюшмалари қўмиталари томонидан қатъий назоратга олинган.

Жорий йилда лицензияга эга лабораториялар билан жорий тартибда шартномалар имзолаган ҳолда, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, ходимларни ўқитиш ҳамда билим синовидан ўтказиш чоралари кўрилган. Таркибий бўлинмаларга янги ишга кирган ходимлар хавфсиз ишлаш усуллари бўйича бирламчи йўл-йўриқдан ўтказилган. Муҳими, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар кучайгандан кучайиб бораётир.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан мамлакатимизнинг 5 та ҳудудидаги соҳа корхона ва ташкилотларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, бандлик ва меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб борилаётган ишлар таҳлилий ўрганилиши жараёнида 2021 йилда эришилган ижобий натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Жойларда ишчи гуруҳ ва масъул ходимлар билан ҳамкорликда уларнинг сабаблари ўрганилиб, таҳлил этилди. Камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлар белгиланди.
Шунингдек, таҳлилий натижалар асосида тайёрланган маълумот Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида март ойида ўтказиладиган кенгайтирилган йиғилиш муҳокамасига киритилди.
Соҳада юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар 2022 йилнинг устувор вазифалари қаторидан ўрин олган.



Самарқанд вилояти

ЭНГ МУҲИМИ – ИШОНЧ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Иштихон тумани кенгаши фаолиятида шу тамойил устувор

Ташкилотчиликка кўп нарса боғлиқ. Руҳиятга кириб борилса, инсоннинг ўз-ўзига бўлган ишончи ҳам ортиб боравeради. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Иштихон тумани кенгаши фаолияти билан танишиб, бунга яна бир карра иқрор бўлдик.

Тармоқ касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган спорт, санъатга оид баҳсларда тармоқ ходимлари ўзларининг бу борадаги истеъдодини намоён қилишга имкон топмоқда.

Митан машина трактор парки ишчиси Қантим Номозованинг ширали овози айнан касаба уюшмалари туфайли кўнгиллардан жой олди. Тўғри, у санъаткор эмас. Ҳаваскор. «Домла Аброрий», «Аллома Сарвар», «Аъзамхон Исахон келажаги» фермер хўжаликлари нафақат фермерлар танловида, балки спортда ҳам пешқадамларга айланди.

Тармоқ касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган «Саломатлик сари югуриш» марофонидан юздан зиёд фермер хўжаликларининг 250 га яқин аъзолари қатнашди.

«Санъатим сенга, обод юртим» ижодий кўрик-танлови 150 га яқин фермер хўжаликларини қамраб олди.

– Қишлоқ хўжалиги енгил соҳа эмас. Эрта кўкламдан то куз охиригача тер тўкишга тўғри келади, – дейди «Домла Аброрий» фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Аброр Раббимов. – Ана шундай онларда тармоқ касаба уюшмасининг ташаббусини кутамиз. Бирор-бир кўнгилочар тадбирми, спорт мусобақасими ёки саёҳатми ташкил этилса, жон деб бош қўшамиз. Бу борада, айтиш жоизки, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тармоқ кенгаши ана шу ишончимизни оқлаб келяпти.

– Тармоқ касаба уюшмалари бетаъма ташкилот. Холис, ҳаққоний дўстлик алоқаларимиз бор, – дейди «Аъзамхон Исахон келажаги» фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма ташкилоти раҳбари Аъзамхон Собиров. – Тўғри, баъзи иқтисодий муаммолар туфайли аъзолик бадалларини вақтида ўтказиб бера олмаётган чоғларимиз ҳам бўлади. Ана шундай пайтларда ҳам ҳеч ким кўкрагимиздан итармайди. Имкон қадар ёрдам қилади. Қандай масала бўлмасин, рад жавобини этишмаймиз.

Кейинги тўрт йилда тизимдаги 9 та бошланғич ташкилот турли йўналишлардаги танловларда ғолиблик шоҳсупасидан жой олди. Яна бир жиҳат, Иштихон туманида фаолият юритаётган 857 та фермер хўжаликларининг 610 таси тармоқ касаба уюшмалари сафидан ўрин олган. Қарийб чорак асрдан зиёд касаба уюшмаларида ишлаган, айни чоғда тармоқ кенгашини бошқараётган Матлуба Музраповада тиним йўқ. Гарчанд кенгаш иқтисоди у қадар кўтаринки бўлмаса-да, хайрли ишлар учун маблағ топади. У учун энг муҳими ишончни йўқотмаслик.

– Ўтган йилда қишлоқ хўжалиги ходимларни маданий-маърифий тадбирларга жалб этишга катта эътибор қаратдик. Биргина ана шу мақсадлар учун 18,5 миллионга яқин маблағ сарфланди. 70 нафар соҳа ходими касаба уюшмаларининг имтиёзли сиҳатгоҳ йўлланмаларидан баҳраманд бўлди, – дейди кенгаш раиси Матлуба Музрапова. – Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини имкон қадар кучайтиряпмиз.

Бошланғичда нима гап?

Саъй-ҳаракат беиз кетмас экан. Яқинда тумандаги 35 та фермер хўжалиги касаба уюшмалари аъзолигига қабул қилинди. Янгидан тузилган бошланғичларда барча ташкилий жараёнларни ниҳоясига етказяпмиз. Аъзоларимиз сони яна 500 нафарга ошади.

Тармоқ касаба уюшмалари фаолиятида юксалиш бор. Ўтган йилда 39 та фермер хўжаликларида касаба уюшмалари тузилганди. Айни паллада тумандаги салкам 12 минг нафар деҳқонлар жамоат ташкилоти ҳимоясида.

Изланиш, интилиш тармоқ касаба уюшмаларига обрў олиб келди. Унга талпинаётганлар, ишонаётганлар тобора кўпаймоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Дўппини бошдан олиб...

ХИРА СУРАТЛАРГА АНИҚ ИЗОҲЛАР

Рўзғор деган «ғор» бор экан, жазирама ёзда ҳам, қаҳратон қишда ҳам бозорга боришга мажбурсиз. Энди тасаввур қилинг: бозордасиз, кун совуқ. Ҳар томондан «келинг-келинг, олинг-олинг...» қилаётган сотувчиларнинг қайси бири биландир савдолашасиз. Ундан олма, анор, нокни айтган нархидан сал тушиб беришини сўрайсиз. Шунда у бу маҳсулотларни етиштиргунча она сути оғзига келганини, бугунги совуқ ҳам жон-жонидан ўтиб кетганини айтиб, «йиғлаб беради».

Сиз унга ишонасиз, раҳмингиз келиб, савдолашмасдан «тортинг» деб юборасиз. «Деҳқон» қўллари совқотганидан эмас, галдаги «номери» ўтганидан қувониб, қўлларини ишқалаганча ишга киришади.

Хўш, аслида маҳсулотни етиштиргунча «ўлиб-тириладиган»лар кимлар?

Шундай деҳқонлар борки, улар эрта кўкламдан то кеч кузгача далада ишлаб, сўнг қишда дам олишади. Аммо қишда ҳам тиним билмайдиганлар кўп. Улар далага яхоб суви тарайди, ўғит чиқаради, дарахтларга шакл беради...

Ёзда ёки кузда ҳосил етилганда, деҳқонларни олибсотарлар роса аврайди. Турли «сабаб»лар билан маҳсулотни пачакилаб, арзонга олиб кетади.

Суратда: «майли, ёмғир, қор ёғсин, ўз постимдан кетмайман» дейдиган, тўрт фаслда ҳам тиним билмайдиган боғбонлар ва уларнинг меҳнатидан бир лавҳа.

Қуддусбек НЕЪМАТОВ

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ диққатига!

Бу йўловчиларга ҳурматсизлик эмасми?

Бугунги ҳаётимизни транспорт воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кун давомида қай бирларимиз шахсий автомобилларимиздан, бошқаларимиз таксилар, йўналишли таксилар, автобуслар ёки метродан фойдаланамиз.

Хўш, бугунги кунда Тошкент шаҳридаги жамоат транспортлари аҳолига талаблар даражасида хизмат кўрсатаяптими?

Афсуски, ушбу саволга баралла «Ҳа!» деб жавоб бера олмаймиз. Сабаби, бу автоуловларнинг айримларини йўловчилар саратоннинг жазирама иссиғида ёки қаҳратон қишда илҳақ кутишади. Улар эса белгиланган вақтда келмайди, айниқса, кечки пайтлар қорасиниям кўрсатмайди. Масалан, Тошкент шаҳридаги «6-туғуруқхона» бекатига илиб қўйилган кунлик қатнов жадвалига кўра, 55-автобус у ердан охирги марта соат 21.18 да, 98-автобус 21.56 да, 37-автобус 21.48 да тўхтаб ўтиши керак. Амалда соат 20 дан сўнг бирортасини кўрмайсиз.

«Фидойилар хиёбони» бекатида ҳам худди шундай аҳволга дуч келасиз. Хўжакўрсинга тузилган жадвалга киритилган 33-автобус умуман юрмайди. Ўша ердан охирги бор соат 22:49 да ўтиши шарт бўлган 22-автобусни кутиш ҳам бефойда.

Бу ҳам етмагандай, баъзи ҳайдовчилар йўловчиларни узоқ куттиришга одатланишган. Оқибатда автобус одам билан лиқ тўлади. Унга бир амаллаб чиқиб олган тақдирингизда ҳам оёқ қўйишга жой тополмай қийналасиз.

Миробод туманидаги Таллимаржон кўчасида бир нечта давлат ташкилоти жойлашган. Жумладан, «Ипотека банк»нинг Миробод филиали, ФҲДЁ, электроаппарат заводи, Корея таълим маркази, Фурқат боғи бор. Шунга қарамай, мазкур ҳудуддан атиги учта йўналиш бўйича қатновчи жамоат транспорти ўтади. Аммо улардан иккитаси, аниқроғи, 136-маршрутка ва 22-автобус негадир қатнов жадвалига риоя қилмайди.

Яқинда «Қўйлиқ» деҳқон бозорида бўлдим. У ердан Таллимаржон кўчасига келадиган 136-маршруткани роппа-роса бир ярим соат кутдим. Афсус, 163- ва 90-маршруткалар ҳар 5 дақиқада келиб турса-да, у келмади. Шундан сўнг ноилож 93-автобусга ўтириб, «Фарғона бозори» бекатигача келдим. Яна ярим соат кутгач, «Марказий универмаг – Дўстлик метроси» йўналиши бўйича ҳаракатланувчи 22-автобусга чиқдим.

Бу аслида одамларни ортиқча оворaю сарсон қилиш ва қимматбаҳо вақтларини ўғирлаш эмасми? «Тошшҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти бундай нохушликларга қачон чек қўяди?

Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист

Фарғона вилояти

2021 йилнинг 2 декабрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида 2022 йилда «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этиш дастури лойиҳаси доирасида ипотека дастури бўйича мамлакатимизда жами 50 мингта хонадон қуриш, шундан 22 мингдан ортиқ хонадонни субсидия асосида бериш режалаштирилган эди.

КЕЧИКАЁТГАН ХУЛОСА

СУБСИДИЯ УЧУН БЕРИЛГАН АРИЗАЛАР НЕГА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛМАЯПТИ?

Хўш, уй-жойга эҳтиёжи бор аҳолига субсидиялар қай тартибда ажратилади? Аввалambор, субсидия олмоқчи бўлган фуқаро давлат хизматлари марказига келиб, талаб қилинган ҳужжатларни топширади ва бу ҳужжатлар ваколатли органлар вакилларидан иборат комиссия томонидан балл бериш асосида кўриб чиқилади. Белгиланган баллни тўплай олган фуқарога субсидия ажратилади.

Аммо таҳлиллар фуқароларнинг бу борадаги аризалари белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаётганини кўрсатмоқда.

Хусусан, шу йилнинг 18 февраль ҳолатига Фарғона вилояти давлат хизматлари марказларига субсидия масаласида жами 4795 та ариза келиб тушган, шундан 1848 таси кўриб чиқиш жараёнида, 2026 таси рад этилган, 812 таси ижобий ҳал этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига риоя этиш аҳволи Давлат хизматлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан электрон ахборот тизими орқали мониторинг қилинганда, ваколатли идоралар томонидан тизимли равишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётгани аниқланди.

Хусусан, Низомнинг 15-бандида масъул ташкилотлар ўн иш кунида тақдим этилган ҳужжатлар асосида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мослигини ташкилотларда мавжуд маълумотлар базаси билан солиштирган ҳолда ўрганиб чиқиши ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида онлайн электрон шаклда маълумотларни тасдиқлаши белгиланган бўлса-да, мазкур талабга риоя этилмаган.

2022 йилнинг ўтган даври мобайнида келиб тушган аризаларнинг 34 фоизини кўриб чиқишда белгиланган муддат бузилган. Энг ачинарлиси, ваколатли идоралар фаолиятида мурожаатларни кўриб чиқишдаги муддат билан боғлиқ қонун бузилишлари мунтазам тус олмоқда. Масалан, фуқаро Д.Маматованинг 2021 йил 28 декабрдаги мурожаати бўйича Бешариқ тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан хулоса белгиланган муддатдан 24 кун кечиктирилиб берилган. Фуқаро К.Рустамованинг 2022 йил 7 январдаги мурожаати бўйича Фарғона шаҳар солиқ инспекцияси томонидан хулоса белгиланган муддатдан 18 кунга кечиктирилиб берилган.

Афсуски, бу каби ҳолатларни қолган ваколатли идоралар фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ваколатли органларга қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисида 8 та огоҳлантириш киритилди, шунингдек, 11 нафар масъул ходим маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жумладан, «Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қува филиали, АТБ «Агробанк» Бағдод филиали бошқарувчиларига, шунингдек, Қўштепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, Қува ҳамда Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарларига, Давлат кадастрлар палатаси Фарғона шаҳар, Ўзбекистон ва Фарғона туманлари филиаллари бошлиқларига нисбатан маъмурий жарима жазо чоралари қўлланди.

Улуғбек МАҲМУДОВ,
Давлат хизматлари агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи

«Ishonch»га жавоб берадилар...

БАРЧАСИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 5 февраль, 16-сонида чоп этилган «Поизингни жилдирган...» йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифати қачон яхшиланади?» сарлавҳали мақолага «Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти қуйидаги мазмунда муносабат билдирди:

Мазкур мақола «Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳузурида тегишли ишчи-ходимлар иштирокида муҳокама қилинди.

Муҳокамада йўловчи поезди вагони ҳарорати белгиланган даражада бўлишини назорат қилмаган ҳамда йўловчиларга сервис хизматларини кўрсатишда хизмат вазифаларидан ташқари йўловчи поезди вагонида савдо-сотиқ билан шуғулланган вагон кузатувчилари О.Усмонов, З.Абдураҳимов ва поезд жамоаси вагон кузатувчилари иш фаолиятларини назорат қилишда масъулиятсизликка йўл қўйган поезд бошлиғи Б.Юлдашевларга «Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти «Ички меҳнат тартиб қоидалари» талабларини бузгани учун Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига асосан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Бундан ташқари, мақолада кўрсатиб ўтилган 63-сонли «Андижон-Поп-Тошкент» йўналиши бўйича Наманган темирйўл вокзали орқали ҳаракатланувчи тезюрар йўловчи поезд таркибидаги вагон ресторани режадаги техник кўрикдан ўтказиш учун йўловчи поезд таркибидан узиб қолдирилгани маълум қилинади.

Келгусида бундай камчиликлар қайта такрорланмаслиги учун «Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамиятининг «Тезюрар йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш филиали» ишчи-ходимлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилди ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида барча ходимларга кўрсатмалар берилди.

«Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти бош директори Ж.НУРМУҲАМЕДОВ

КРЕДИТЛАР ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР...(МИ?)

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 27 январдаги 12-сонида «Кредит фоизлари қачон камаяди?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унга Марказий банк томонидан муносабат билдирилди. Жавоб хатида шундай дейилади:

«Марказий банк асосий ставкаси бўйича қарорлар қабул қилишда иқтисодиётда шаклланган инфляцион жараёнлар ва инфляциянинг келгуси давр учун прогнозлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари, ички ва ташқи макроиқтисодий шароитлар асос бўлади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда йиллик инфляция даражаси 10 фоиз атрофида, иқтисодиёт субъектларининг инфляцион кутилмалари эса 15-16 фоиз атрофида шаклланаётган бўлиб, асосий ставканинг йиллик 14 фоиз даражасида ўзгартиришсиз сақланиб қолиши иқтисодиётда депозитлар бўйича 3-4 фоизлик реал ижобий фоиз ставкаларининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2022 йил январь ойида миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича ўртача йиллик фоиз ставкаси 16,9 фоизни, миллий валютадаги кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси эса 20,8 фоизни ташкил этган. Бунда кредитлар ва депозитлар ўртасидаги 4-5 фоизлик тафовут тижорат банкларининг хатарлар ва операцион харажатлар бўйича «устама»сини ўзида ифода этади.

Пандемиядан кейинги даврда ялпи талабнинг таклифга нисбатан тезроқ тикланиши, асосий озиқ-овқат ва энергия ресурслари нархларининг ошиши фонида инфляцион хатарлар сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатда асосий ставканинг кескин пасайтирилиши иқтисодиётда инфляцион жараёнларнинг янада тезлашиши ва реал манфий фоиз ставкаларининг шаклланиши орқали ҳам макроиқтисодий барқарорликка, ҳам молиявий тизим барқарорлигига путур етказади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ иқтисодиётда нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, жумладан, 2021 йилда инфляциянинг йиллик 10 фоиздан паст бўлишини таъминлаш ва 2023 йилдан унинг 5 фоизлик даражасига эришиш вазифаси белгиланган.

Бу, ўз навбатида, келгусида иқтисодиётда фоиз ставкаларининг пасайишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига йиллик 14 фоиз ставкадан ошмаган миқдорда кредитлар ажратиб келинмоқда.

Хусусан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан сўнгги 4 йил давомида жами 24,3 трлн. сўмдан кўп кредитлар ажратилди ва бу орқали 983 мингдан зиёд оила тадбиркорликни йўлга қўйиб, даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди. Бошқача қилиб айтганда, республика бўйича ўрта ҳисобда ҳар минг хонадоннинг 110 таси ушбу дастурлар доирасида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Бугунги кунда аҳолига уй-жой сотиб олиш учун янги тартиб асосида ва «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖ маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари йиллик 17-18 фоиз ставкасида ажратилмоқда. Мазкур тартибга асосан 2020-2021 йиллар давомида аҳолига 8,6 трлн. сўм ипотека кредитлари ажратилган. Ўтган 2021 йилда 6,8 трлн. сўм ажратилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 5 трлн. сўмга ошган.

Шунингдек, айрим тоифадаги фуқароларга янги тартиб доирасида уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 32 миллион сўм миқдорида ҳамда фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун биринчи беш йил давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўлаш механизми жорий қилинган.

Шу билан бирга, бугунги кунда банк тизимида халқаро молия институтлари хорижий экспертлар иштирокида олиб борилаётган трансформация жараёнларида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этган ҳолда банк бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва хизматларнинг рақамли каналлар орқали кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур жараёнлар келгусида банклар ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш билан бир қаторда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига инсон омилисиз кредитлар ажратиш имкониятини кенгайтиришга олиб келади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига кўра, банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига банклар фаолиятига, шу жумладан, банкларнинг кредит портфелини ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга аралашиш тақиқланади. Мазкур қонуннинг 65-моддасига мувофиқ банк хизматларининг истеъмолчилари банкни ва банк хизматларини танлашда эркиндир».

Марказий банк раиси ўринбосари Б.ҲАМРОЕВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Хулоса шуки, мутасаддилар мазкур жавоб хатида ҳаммаси рисоладагидек, кредит ставкалари ҳам у қадар юқори эмас, деган фикрни сингдирмоқчи бўлишяпти.

Ҳа, масъуллар масалага хавотир билан тахмин қилганимиздек, муносабат билдиришибди. Зотан, «Кредит фоизлари қачон камаяди?» сарлавҳали мақолада айтилганидек, «...банк ходимлари инфляция даражасини, иқтисодий шарт-шароитларни ва яна бир нималарни баҳона қилишлари...» исботланди.

Марказий банкка сўровимиз шундай: Айтингчи, банклар қўяётган фоизлар асосида тадбиркорлик қилиб, даромади ошиши мумкин бўлган бизнес лойиҳангиз борми? «Хоҳласанг – шу», дейиш билан аслида банк ҳам кредит тизимида монопол мақомига эгалик қилиб қолмаяптими? Ўз ишини энди бошлаётган тадбиркор қандай қилиб банкни ҳам, солиқни ҳам чалғитмаслиги ва шунинг баробарида ҳалол даромад қилиши мумкин? Шу жойига ақли етмаётганларга сизлар бир ақл бўлингизлар, азизлар!

Шу ўринда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш сиёсатида асосий муаммолардан бирини банклардан излаш керакмасмикан, деган савол ҳам туғиляпти.

Биз бу мавзуда мустақил экспертлар, иқтисодчиларнинг таҳлилларига қулоқ тутамиз.

Бонг

Қашқадарё вилояти

«ГУЛИСТОН» ҚАЧОН НОМИГА МОНАНД БЎЛАДИ?

«Гулистон» сўзини эшитган одамнинг кўз ўнгига сўлим боғ-роғлар, текис-равон асфальт кўчалар, обод гўшалар келиши табиий. Аммо Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани марказидан 30 километр узоқликда жойлашган «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинига келган киши ундаги шароит ўз номига мутлақо мос эмаслигига гувоҳ бўлади.

Сабаби, салкам 6 минг нафар аҳоли яшайдиган мўъжазгина қишлоқдан Нуристон шаҳрига олиб борувчи 9 километрлик асосий йўл бир неча ўн йиллар давомидаги қаровсизлик туфайли хароб аҳволга келиб қолган. Оқибатда ёзда чанг, қишда лой кўчадан одамларнинг ҳам, транспорт воситаларининг ҳам ҳаракатланиши жиддий муаммога айланган. Ўнқир-чўнқирликлар, хоҳ пиёда, хоҳ автомобилда бўлсин, йўловчиларни ҳолдан тойдиради.

Тўғри, маҳалла фаоллари бир неча бор туман ҳокимлигига ва халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, кўчани таъмирлаб беришни сўрашди. Аммо, қоп-қоп ваъдалар берилди-ю, заррача ўзгариш бўлмади. Устига-устак, қишлоқ аҳлини сув масаласи ҳам қийнаб келмоқда. Одамлар истеъмолга яроқли тоза ичимлик сувни сотиб олишади, томорқаларини суғориш учун эса ён-атрофдан оқиб ўтувчи канал сувидан фойдаланишади.

Президентимиз «Халқимиз эртага эмас, бугун биздан рози бўлиб яшаши керак!», деган гапни бот-бот такрорлайди. Қаерга борса, оддий халқни ташвишлантираётган муаммоларга қизиқиб, масъулларни «уйқудан уйғонишга» ва чин дилдан ишлашга чорлайди. Шундай экан, Нишон тумани раҳбарлари аҳолини узоқ вақтдан буён чуқур қийнаб келаётган муаммоларни ижобий ҳал этишга панжа орасидан қараётганларини қандай изоҳлаш мумкин?

Мадина ДАЙНАВОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Жиззах вилояти

Санъат

Сеҳрли бармоқлар соҳиби

Ташқи кўринишидан жудаям содда ишланган доира ўзининг бетакрор оҳанги, зарб усуллари билан ҳар қандай тингловчини ўзига ром этади. Бу сознинг оҳанглари қалбларга сурур бағишлайди.

Марғилонлик Уста Олим Комиловни кўпчилик жуда яхши билади. Зотан, бундан саксон беш йил аввал Лондон саҳналарини титратган доира зарби, ҳамон акс садо бериб тургандек гўё. Нуфузли Альберт Холл саройида бўлиб ўтган ва Қирол Жорж V ҳамда Қиролича Мери мезбонлик қилган фестиваль доирачи Уста Олим бармоқларининг сирли ҳаракатларини британ жамоатчилигига кўрсатиш имконини берган эди. Ўшанда фестивалнинг барча иштирокчилари тақдирланган, лекин Уста Олим Комиловга шахсан Қиролича номидан медаль берилган. Қиролича ва Қирол машҳур доирачининг қўлларидан тутиб, унинг бармоқларини ҳурмат тарзида юзларига текизганлар.

Британ жамоатчилиги Уста Олимнинг кўриниши оддий чолғудан бу қадар турфа хил садоларни чиқара олишидан ҳайратга тушган. Фестиваль ташкилотчилари унинг қўлидан қуйма нусха олишган ва у узоқ йиллар Сесил Шарп уйида сақланган.

АҚШнинг Финикс шаҳрида дунёга машҳур «Musical Instruments Museum» музейи бор. Унда дунё халқларининг етти мингдан ортиқ чолғу асбоблари ва моҳир созандаларнинг ижод намуналари бор. Улар қаторида моҳир доира ижрочиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аббос Қосимовнинг ижодига оид маълумотлар билан бирга у чалган доира ҳам ўрин олган.

Жаҳон саҳнасида мухлисларни лол қолдирган санъаткорларнинг давомчилари бугун юртимизда кўплаб топилади. Улардан бири жиззахлик Атҳамжон Очиловдир. У 1998 йил томошабинлар ҳайратини келтирадиган истеъдодли ёшлардан иборат «Бобурхон» доирачилар гуруҳига асос солди. Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабида ташкил этилган ансамбль салкам чорак аср давомида халқимиз назаридан тушмай, элга хизмат қилиб келмоқда.

Атҳамжон Очилов доирадан илк саboқларни устози Бобур Баҳодировдан олган. Сўнгра таниқли санъаткорлар Дилмурод Исломов, Ҳасан Азимов, Аббос Қосимов ва Маъруф Азимовлардан созандачилик сирларини ўрганди. Бугун эса, унинг ўзи ҳам устоз.

– «Бобурхон» ансамбли илк маротаба Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида катта саҳнага чиққан эди, – дейди Бегзод Орипов. – Ўшанда мен олти ёшда эдим. 30 нафар тенгқурларим билан саҳнага чиқиб, йиғилганларнинг олқишини олганмиз. Атҳамжон аканинг «Саҳнани, сени тинглаётган мухлисларни ўзингники қилиб олишинг керак», деган ўгитлари ҳамон қулоғим остида янграйди. У киши сабаб санъат йўлига кириб келдим. Устоз шогирдларига жуда меҳрибон, айни вақтда талабчан ҳам. Бугун мен ҳам устозимнинг йўлидан боришга ҳаракат қиляпман. У киши билан ёнма-ён туриб, Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабида доира сирларидан дарс беряпман.

Атҳамжон Очилов ўзбек санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани боис, Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар таълими аълочиси, Россияда ташкиллаштирилган «Талант шоу» халқаро танловида 1-даражали диплом, Францияда ўтказилган «THE OPEN WORLD IN PARIS» номли халқаро танловда 2-даражали диплом билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Греция, Бельгия ва Нидерландия давлатларида ўтказилган Ўзбекистон кунларида қатнашган моҳир созанда шундай дейди:

– Грециянинг тарихий шаҳарларидан бирида шаҳар марказига уч юз ўриндиқли саҳна қилинган экан. Концерт бошланишига озгина вақт қолган, лекин томошабин деярли йўқ. Шунда делегация аъзоларидан бири саҳнага чиқиб, доира чалишимни айтди. Чалдим. Концерт дастури бошланганда ўриндиқлар, саҳна атрофи тумонат одам билан тўлган эди. Томошабинларни кўриб, ҳаяжоним янада ортди. Боиси, бу хорижий давлатда саҳнага илк бор чиқишим эди. Учта доирани бирваракайига чалганимда мухлислар тик туриб олқишлашди. Шунда билдимки, санъат миллат танламас экан. Якунда чамаси беш дақиқагача қарсак тинмади. Ўшанда мусиқанинг кучи, таъсирини кўрдим. Концерт тугагач, атрофимни мухлислар ўраб олиб, савол кетидан савол бера бошлашди. Таржимон орқали уларнинг саволларига жавоб бердим.

– Бу қанақа соз?

– Доира.

– Қўлингда нима бор? Қўлингга бирон нарса ўрнатмаганмисан?

– Ҳеч нима! (Қўлимни уларга кўрсатаман).

– Учта доирани қандай чалдинг, қандай уддаладинг?

– Бизнинг юртимизда учта доирани чаладиганлар кўп.

– Қойил!!!

Изланувчан санъаткор Атҳамжон Очилов улуғ санъаткорлар изидан бориб, Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомов, Ғофур Азимовлар яратган «Шодлик», «Ўзбек халқ усуллари», «Сарбозча», «Шодиёна», «Тантана», «Қўш қарс» каби доира усулларидан фойдаланиб, ўзининг «Етти доира садоси» бадиий композициясини яратди. Шарқ ва ғарб халқларининг зарбли чолғу усулларини доира созига мослаштириб, доирада янги жилоларни кашф этиш билан биргаликда, анъанавий ижрода доира сози мутахассислиги бўйича болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун ўқув қўлланма, дастурлар ва кўплаб услубий қўлланмалар яратди.

Қилинган меҳнат эътирофсиз қолмайди. Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маданият ва саънат соҳасида эришган ютуқлари инобатга олиниб, Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти билан тақдирланди.

– Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ўтказилган маросимда менинг исм-фамилиям ўқилганда қалбимда ўзгача бир ғурур пайдо бўлди, – дейди Атҳамжон Очилов. – Ахир, ишлаш ва ижод учун шароит яратиб берилса, яна мендек оддий созанда мукофотланса, буям бахт-ку!

Атҳамжон Очилов доирага берган зарби билан оламни «забт» этмоқда. У нуфузли концерт заллари, стадионларда доира оҳанглари билан минглаб томошабинларни ўзбек санъатига мафтун қилиб келяпти.

Биз бу йўлда унга улкан зафарлар тилаймиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Альберт Эйнштейн «Инсон миясининг атиги 10 фоизи тўхтовсиз ишлаб туради», деган даъвони илгари сурган эди. Ушбу кўрсаткич ҳозирга келиб айрим манбаларда 3,5 ва 7 фоиз дейилади.

Наманган вилояти

Мушоҳада

«10 ФОИЗ» АФСОНАСИ ёхуд қобилиятсиз инсон бўлмайди

Бундай ахборотлардан бохабар бўлган баъзи ёшлар ўзларини «қобилиятсиз одам»лар сирасига киритиб қўяётгани ҳам бор гап. Устига-устак, айримлар ўзларидаги барча омадсизликларга ана шу «10 фоиз афсонаси»ни сабаб деб билаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Аслида эса ҳар бир инсон ўз ақлий қобилиятини турли мантиқий машқлар, турли воситалар ёрдами билан ривожлантириши мумкин. Маълумки, инсон миясининг ҳар бир қисми ўзининг муайян вазифасини бажаради.

Албатта, юқоридаги каби турли қарама-қарши фикрлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолаётгани йўқ. Шу каби ғоя ва даъволар муаллифи Дейл Карнеги ўзининг «Қандай қилиб дўстлар орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш мумкин?» номли китобида ҳамма инсонлар мия имкониятининг 10 фоизини ишлата олади, дея ёзган. Аммо ушбу маълумотни тасдиқловчи бирорта асос ёки манбани келтирмаган.

Яқин қариндошимиз 60 ёшдан ошганида араб тилини ўргана бошлади. Аввалига ҳаммамиз бундан наф йўқ, дея ёдлашни маслаҳат бердик, чунки у мактабни тугатиб, бирор даргоҳда таълимни давом эттирмаган, турмушга чиқиб бола-чақа билан андармон бўлган аёл. Лекин у олти ой деганда мақсадига етди.

Умуман олганда, инсоннинг танасида ҳеч қандай вазифани бажармайдиган бирон аъзонинг ўзи йўқ. Зеро, инсон ҳар томонлама мукаммал мавжудот қилиб яратилган. Шу сабабдан ҳар бир инсон ўзига, иқтидори ва имкониятига, истеъдодига ишониши лозим. Кишининг қобилияти чек-чегарасиз, янгидан-янги қирралари ҳам мавжуд. Гап ана шу уйқудаги қобилиятни ишга сола билишда.

Замира АҲМЕДОВА,
Чуст туманидаги 50-мактаб
ўқитувчиси

Эълонлар

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ
Миробод филиали балансидаги қуйидаги кўчар ҳамда кўчмас мол-мулклар сотувга қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Тариқ-Тешар» МФЙ (М-39 кўчаси Автомагистрал йўли, 28-уй)да жойлашган «Ишлаб чиқариш ва омборхона» биноси. Умумий майдони – 35 790 кв.м., фойдали майдони – 8 916,39 кв.м. ва қурилиш ости майдони – 9 915,64 кв.м.;

2. Бизнес комплекс – Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Ғазалкент» МФЙ, Сайхун кўчаси, 9-уйда жойлашган «Марказий омборхона» бинолари. Умумий майдони – 57 700 кв.м; фойдаланиш майдони – 8 161,79 кв.м. ва қурилиш ости майдони – 19 128,5 кв.м.;

– «KXC GmbH» – 2016 Германияда тайёрланган газли ва газсиз ичимлик суви ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналари – 21 000 бут/соат;

– «KXC GmbH» – 2019 Германияда тайёрланган газли ва газсиз ичимлик суви ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналари – 26 400 бут/соат;

– Хитойда ишлаб чиқарилган комплекс (05л 20л;) цилиндр ва 10-12 литрлик Моноблок 2000 бутилка/соат (қуйиш ва қадоқлаш ускуналари) – 2000 бут/соат;

– 1 дона 2015 йилда ишлаб чиқарилган HOWO ZZ4257N3242E1CB русумли юк тортувчи машина;

– 1 дона 2011 йилда ишлаб чиқарилган MAN TGS 26.400 русумли юк тортувчи машина;

– 1 дона 2015 йилда ишлаб чиқарилган TRAL CIMC ZJV9406TJZ русумли бўлган яримтиркама контейнер;

– 1 дона 2011 йилда ишлаб чиқарилган KOTGEL русумли ярим тиркама бортли тент машина;

– 2014 йилда ишлаб чиқарилган CAMC HN1200P29E8M3 русумли юк (бортли тент) машина.

Мурожаат учун телефонлар: +998977126543, +998947117770.

Хизматлар лицензияланган

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2005 йилда Артикова Дилноза Мамурджановна номига «Банк иши» йўналиши мутахассислиги бўйича берилган К № 282267-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги 328-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Адхамжонова Шаҳризода Шокир қизи номига берилган O'R-SH № 1146445 (рўйхат рақами 1) рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 99-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2011 йилда Қаршибаев Иброхим Норбўта ўғли номига берилган O'R-A № 5212157 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги 14-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
З. Рихсиев

Мусаҳҳиҳлар:
Д. Худойберганова,
У. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **19:50**
Топширилди – **20:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г–206** **34378** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130